

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2017
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.УСМОНОВА

“Беовульф” ва “Алпомиш” дostonларида халқпарварлик ғояларининг бадиий ифодаси..... 63

ТИЛШУНОСЛИК

А.ЗИЯЕВ

Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сифат сўз туркумида интенсификация ва деинтенсификация ҳодисасининг намоён бўлиши..... 66

Н.ХОШИМОВА

Сўзларнинг мазмуний алоқаси тадқиқида занжирли ассоциатив тажрибанинг ўрни 69

М.ДАНИЕВА

Инглиз тилидаги сўз бирикмалари таркибий қисмларининг ўзаро муносабати..... 72

Г.ГАНИЕВА

Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида топонимларнинг лингвокогнитив асослари 76

Д.ТЕШАБОВ

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳавола бўлакли эргашган қўшма гаплар..... 80

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.АСИМОВ

Бошланғич синфларда масала ечишдаги ижодий ёндашиш 83

М.ҚАҲҲОРОВА, З.ПОЗИЛЖОНОВА

Тест турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 85

Ш.УСМОНОВ

Шахслараро муносабатларда толерантликнинг эмпирик таҳлили..... 88

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.ҲАКИМОВ, З.ХОДЖАЕВА

Модус ва диктум тушунчалари хусусида 92

Э.НАСРУЛЛАЕВ

Ўзбек халқ поэтик ижодида дostonчилик анъаналари 95

Н.ҚОЗОҚОВА

“Шум бола” қиссасининг айрим лексопрагматик хусусиятлари 97

АДАБИЙ ТАҚВИМ

С.МЎМИНОВ, Т.МЎМИНОВА

Абдулла Орипов шеърлятида муаллиф шахсияти ва лирик қаҳрамон..... 99

ҚУТЛОВ

Сўз илмининг заргари 101

Касбидан ҳурмат топган устоз..... 102

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Янгича шакллар таҳлили 104

Библиография 106

ХОТИРА

Камтарлик ва комиллик соҳибэди 107

УДК: 41/410:51

СЎЗЛАРНИНГ МАЗМУНИЙ АЛОҚАСИ ТАДҚИҚИДА ЗАНЖИРЛИ АССОЦИАТИВ ТАЖРИБАНИНГ ЎРНИ

Н.Хошимова

Аннотация

Мазкур мақола занжирли ассоциатив тажриба орқали ассоциатив алоқаларининг ўзига хос ва индивидуаллигини аниқлаш, уларнинг ҳар қайси шахсда ҳаёт мобайнида тўплаган тажрибаси орқали юзага чиқишини, сўзлараро вужудга келган мазмуний алоқалар ҳамда сўзларнинг турли уялар таркибига киришини кўрсатиш каби масаларга бағишланган.

Аннотация

Статья посвящена изучению данных цепного ассоциативного опыта, где выявляются индивидуальность и своеобразие ассоциаций, которые проявляются через личный опыт индивида, накопленный в течение всей жизни человека, семантические связи между словами и вхождение их в состав гнезд ассоциативного ряда.

Annotation

The given article is devoted to analysis of the chain associative raw, defining the individuality and peculiar characteristics of the associative links, which can accumulate during the whole life of the person, revealing the semantic relations between the words and including the words into semantic word families.

Таянч сўз ва иборалар: занжирли ассоциатив қатор, индивид, тажриба, уя, онг, мазмуний алоқа, ҳаётий тажриба.

Ключевые слова и выражения: цепной ассоциативный ряд, индивид, опыт, гнездо, сознание, семантическая связь, жизненный опыт.

Key words and expressions: chain associative raw, individual, experience, word family, consciousness, semantic relation, life experience.

Психолингвистика йўналишида ассоциатив тажриба вербал ассоциацияларни юзага чиқарувчи асосий усул ҳисобланади. Ассоциатив тажрибалар социолингвистика, математик лингвистика, нутқ фаолияти назарияси каби фанларда муҳим бўлиб, ассоциатив меъёр, ассоциатив майдонлар ҳамда тилнинг ассоциатив тўрини белгилайди. Сўзнинг ассоциатив алоқаларини ўрганиш орқали шахснинг вербал хотирасини ва жамоа қадриятлари хусусиятларини аниқлаш мумкин [3].

Психоанализ тадқиқотчиси К.Юнг маълум бир жамият маданиятини аниқлаш учун ва этномаданий онгни изоҳлаш учун энг самарали психолингвистик усулларида бири ассоциатив тажрибанинг асосчиси ҳисобланади. Ассоциацияларни Юнг усули бўйича тадқиқ этишда алоҳида лексемалар орасида қандай алоқа мавжудлигини аниқлаш мумкин. Ҳар қандай лексема бошқа бир лексема билан муайян ассоциация орқали боғланади. Ассоциатив алоқага киришган бундай лексемалар бир-бири билан мазмунан боғланган бўлади [7].

Ҳозирги даврда психология ва тилшуносликнинг уйғунлашувида турли тадқиқотлар олиб

борилмоқда. Чунки тил бирликларини фақат тилшунослик фани орқали ўрганиш ёки шахс онгини психология фани ёндашувида таҳлил этиш атрофли равишда масалани юзага чиқара олмайди. Турли психолингвистик ассоциатив тажрибалар асосида маълум этномаданий жамиятнинг тил хусусиятларини кўрсатиш мумкин[3].

Вербал ассоциацияларни вужудга келтириши билан бирга шахснинг ўзига хос жиҳатларини ва ассоциатив фикрлай олишини текшириш учун занжирли ассоциатив тажриба энг қулай усул ҳисобланади [6.46-48].

Одатда занжирли ассоциатив тажрибаларда патопсихологик ва нейрофизиологик омилларига эътибор қаратилади. Лекин биз бу жараённи таърифлашдан воз кечиб, асосан, ҳар қайси шахсга хос ассоциацияларнинг индивидуаллиги ва ўзига хослигини, шу билан бирга ҳар қайси шахсда ўзининг ҳаётий тажрибаси шаклланишини намоён этдик. Ушбу ассоциатив тажриба тури беҳос онг ва онгости қатлами билан боғланган бўлиб, текширилаётган кишиларда сўзлар

Н.Хошимова – ФарДУ инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

бошқарилмай, ҳаёт давомида тўпланган тажрибалари орқали вужудга келади.

Ҳар қайси кишида ҳар бир сўзга тааллуқли ўзига хос индивидуал тажриба шаклланади. Киши онгида сўзлар мазмуний гуруҳларни ташкил этади. Ушбу ассоциатив тажриба маълум шахс онгининг психологик мазмунини объектив тарзда ўрганишга ёрдам беради.

Ассоциатив психологиянинг асосчиси, И.Ф.Герберт, ўз тадқиқотларида «апперцептив йиғинди» деган атамани қўллади. «Апперцептив йиғинди» кишининг бутун ҳаёти мобайнида шаклланади ва кишининг ҳаётдаги индивидуал тажрибасининг асосини ташкил этади [1]. Кишилар битта вазиятга ҳар хил ёндашади, шунинг учун ҳам битта вазият ёки сўз орқали шахс онгида вужудга келган ассоциациялар турлича бўлади. Ассоциацияларни бундай усулда тадқиқ этилиши луғат таркибидаги сўзларнинг ҳар бири мазмуний структураси орқали боғланишини кўрсатади. Бундай тадқиқотлар киши онгидаги сўзларнинг мазмуний алоқасини ва мазмуний майдонларнинг психологик эквивалентларини ўрганишга ёрдам беради. Инсоннинг сўз заҳираси, апперцептив йиғиндиси атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларга муносабати орқали намоён бўлади.

Шунинг учун занжирли ассоциатив тажрибаларни “онгости оқими” тушунчаси орқали изоҳлаш мумкин. Маълум вақт ичида айтиладиган сўзлар занжир каби ассоциатив реакцияларини ташкил этади. Ушбу сўзлар мазмуний гуруҳ ёки мазмуний уяларига бирлашиб, ҳар бир уянинг ҳажми фарқланиб туради. [6.46-48]

Текширув жараёнида бехосдан келган ассоциациялар тасодифий бўлмайди, чунки улар кишининг ҳаёт давомида тўплаган тажрибаси, ёши, яшаш жойи, касби, жинси ва ҳ.к.лар таъсир этиб текшириладиган кишининг таъриф-тавсифини ташкиллайди. Турли маданиятларга мансуб шахсларни битта сўзга ассоциатлари турлича бўлади. Сўзлар остида тушунчалар, тушунчалар остида эса шахснинг ҳаётини тажрибаси туради [3].

Қуйидаги жадвалда ўтказилган занжирли ассоциатив тажриба тадқиқотининг натижалари намоён этилди. Ассоциатив тажрибанинг мақсадини тўлиқ

кўрсата олганлиги туфайли биз бу жадвални Т.В.Попованинг ассоциатив тажрибаларидан олишга лозим деб топдик [6.46-48].

Тажриба рақами	Занжир узунлиги	Уялар сони	Уялар ҳажми
1	6 сўз	3	3 сўз, 2 сўз, 2 сўз
2	10 сўз	3	3 сўз, 3 сўз, 4 сўз
3	8 сўз	4	2 сўз, 3 сўз, 3 сўз, 1 сўз

Театр: актёр – бўянган ниқобли одам – маскарад – байрам – тўй – келин-куёв.

Театр: илҳом – оркестр – кантата – Эдита Пьеха – мэтр – мадонна – қўшиқ – мусиқа – Ванесса Мэй – скрипка.

Театр: томоша – кўзбўямачи – лоф – ёлғон – рост – ҳақиқат – чин сўз – ваъда.

Ассоциатив қаторларни оддий алоҳида сўз-ассоциатлар сифатида таҳлил қила олмаймиз. Ассоциатив қаторининг қисмларини бир бутун бирлик тарзида ифодалаймиз [4.71]. Ассоциатив қатор бир неча бутун қисмлардан, яъни уялардан иборат бўлиб, ҳар бир уяси бир-бири билан чамбарчас ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Биринчи шахснинг ассоциатлари олти сўздан таркиб топиб, уч мазмуний уяга бўлиниб кетмоқда. Уялар чегарасида турган сўзларни биз икки уяга ҳам киритиш лозимлигини аниқладик. Масалан; биринчи уя **актёр-бўянган ниқобли одам-маскарад** сўзларидан, иккинчи уя эса – **маскарад-байрам-тўй** сўзларидан, учинчи уя – **тўй – келин-куёв** каби ассоциатларидан иборат бўлиб келмоқда.

Шунингдек, занжирли ассоциатив тажриба сўзлараро мазмуний боғланишларининг кўрсатади. Ю.Н.Карауловнинг фикрича, тилда мазмун жиҳатдан алоҳида, яъни айрилган (автоном ҳолдаги) лексема бўлиши мумкин эмас. Тилдаги ҳар бир лексема мазмунан бир бири билан бевосита боғланмаса-да, лексемалар бир-бирига мосланиб шундай занжир ҳосил қилиши мумкинки, бундай занжир иккита турли маъноли ва мазмун томондан бир-биридан узоқ бўлган лексемаларни бир-бири билан боғлайди. Бунда дастлабки элемент ўртасида олти қадамдан кўп бўлмаган занжир пайдо бўлади [2.77]. Биринчи мисолдаги **актёр** ва **келин-куёв** сўзлари ўртасида ҳеч қандай мазмуний боғланиш мавжуд эмас, лекин

ТИЛШУНОСЛИК

улар бир-бири билан ассоциатив занжир орқали боғланиб келмоқда.

Кўриниб турибдики, занжирли ассоциатив тажрибани шахсинг сўз орқали тўплаган малакасини юзага чиқаришига олиб борилган усул сифатида

ифодалашимиз мумкин. Шу билан бирга сўзлар бир-бири билан занжир шаклида боғланиб, сўзлараро вужудга келган мазмуний алоқаларни ифодалайди ва уларни турли мазмуний уяларига киритади.

Адабиётлар:

1. Герберт И.Ф. Кто есть кто? Иоганн Фридрих Герберт. 2000. psychology.ru
2. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М.: Наука, 1976.
3. Кузнецова Ю. Использование свободного ассоциативного эксперимента. Nauchi16.ru/articles/nid20
4. Леонтьев А.Н. Избранные труды по лингвистике. – М.: Педагогика, 1983.
5. Матвеева Т.В. Полный словарь лингвистических терминов. – Ростов-на-Дону, 2010.
6. Попова Т.В. Ассоциативный эксперимент в психологии. Эл.ресурс: учебное пособие.-2изд., стереотип – М.,2011.
7. Юнг К. Аналитическая психология. – М., 1994.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).